

Колумбия университетининг илк ўзбек ёш олимаси, профессорлари

Колумбия университетининг илк ўзбек ёш олимаси, профессорлари

2020 йил илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили деб эълон қилингандан бери эшитган энг қувончли хушxabарим ўзбеклар орасида биринчи бор Колумбия университетининг tenure track позицияси, яъни умрбод профессорлик лавозимига илк ўзбек олимаси – Азиза Шаназарова қабул қилинди.

Колумбия университети Ivy League тоифасига кирган. Айви лигага АҚШдаги энг нуфузли 8 та – Brown, Columbia, Cornell, Dartmouth college, Harvard, Princeton, Pennsylvania, Yale университетлар кирган.

Tenure track позициясига профессор ва профессор ассистенти ишга олиниб, улар билан тузиладиган меҳнат шартномаси университет маъмурияти томонидан бекор қилинмайди. Бундай шартноманинг асосий мақсади – олимнинг эркинлигини (academic freedom) таъминлашдир.

Азиза Шаназарова Female religiosity and gender history in pre-modern Central Asia (Ўрта асрлардаги Марказий Осиёда гендерлик тарихи ва аёллар диндорлиги) мавзусида АҚШнинг Индиана – Блумингтон университетида докторлик диссертациясини ёқлади. 2 та йўналишда (диншунослик ва Марказий Осиё тарихи) PhD – фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олди.

Буюк аждодлар меросидан буюк авлодлар эрасига етиб келдик, ва ниҳоят! Ёшлар мана сизга мотивация, замона қаҳрамони. Дунёнинг кучли олимлари ишлайдиган Колумбия университетида 33 ёшли оддий ўзбек олимаси Азиза Шаназарова ҳам бор, биз бундан фахрланишимиз керак!